

Ishonch

2018-yil 11-yanvar • payshanba • №4-5 (3978)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan • www.ishonch-doverie.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!
Бугунги йиғилишимиз мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни арафасида ўтказилмоқда.

Аввало, сизларни ва барча юртдошларини ана шу умумхалқ байрами билан чин қалбимдан самимий табриклашга руҳбат бергайсиз.

Бундан ропта-роса бир йил аввал мана шу ўқув юртида — Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида мамлакатимиз Қуролли Кучларини янада ислоҳ қилиш бўйича олдинда турган вазифаларни атрофлича муҳокама қилган эдик.

Учрашувда ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги долзарб вазифалардан бири сифатида Академия фаолиятини такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилган эди. Бугунги йиғилишимиз мутлақо янгиланган Академияда ўтказилаётгани ҳаммамизни қувонтирмоқда. Бу ерда ташкил этилган замонавий ситуацион марказ йил давомида амалга оширган ишларимиз натижасидир.

Ўтган йил мобайнида биз бу борада эришган ютуқ ва ижобий натижаларни қўллаб келтириш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаш соҳасида ҳали анча муаммолар борлигини кайд этиш зарур. Уларни ҳал қилиш юзасидан 2018 йилда ва келгуси йилларда қаттиқ иш олиб боришимиз лозим.

Мен йил давомида Қуролли Кучларнинг жанговар тайёрлиги ва қобилиятини таҳлил қилиб бордим. Ҳарбий ўқув машқларини Каттақўрғон полигонига кузатдим, Жануби-Гарбий, Шарқий ва Тошкент ҳарбий округларида Мудофаа вазирлиги ва чегара қўшинлари бўлиmlарини, бугун эса Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмини бориб кўрдим. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашдим, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитдим. Натижада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий, тизимли муаммолар аниқланди. Булар — кадрлар масаласи, қўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллуқли муаммолардир.

Албатта, ўтган йили биринчи навбатда ҳал этилиши керак бўлган қўллаб масалалар бўйича аниқ қарорлар қабул қилинди.

Лекин, тан олишимиз керак, уларнинг барчаси тизимли эмас, балки маълум бир йўналиш ва бўғиндаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган ишлардир. Ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, Ватанимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, унинг мудофаа қобилиятини кучайтиришдек гўят муҳим соҳада қўллаб муаммолар мавжудлигини англаган ҳолда, биз янги Мудо-

фаа доктринасини қабул қилдик. Ушбу ҳужжатда мамлакатимизнинг ҳарбий қурилиши ва Қуролли Кучларни ривожлантириш масалалари бўйича асосий йўналиш ва замонавий ёндашувлар акс эттирилди.

2017 йил 12 декабрда Президент фармони қабул қилиниб, унда мавжуд мураккаб ҳолатдан чиқилишнинг таъсирчан ва самарали чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Бугун сизлар билан ўтган йилда амалга оширган ишларимизга яқин ясаб, келгусидаги вазифаларимиз ҳақида гаплашиб олишимиз зарур.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!
Ҳозирги вақтда минтақамизда ва дунёда ҳукм сураётган, олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканини барчамиз чуқур англаймиз. Бу эса ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз ва йўл қўйган камчиликларимиз, тўпланиб қолган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, бугун ҳаётнинг ўзи илгари сураётган талабларни ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Биз айни шу асосда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашни **Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг** устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олдик. Стратегияга биноан 2017 йилда бошқа соҳалар каторида ҳарбий қурилиш борасида ҳам кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Қисқа муддатда дастлабки аниқ натижаларга эришдик ва янгиланаётган Қуролли Кучларимиз бўйича стратегик ёндашуви ишлаб чиқдик.

Биринчида, ташки сисъатимизнинг мослашувчанлик ва очкилик принципларига, энг асосийси, қўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлашдек биз учун устувор бўлган ташаббусларга таянган ҳолда, мамлакатимиз **Мудофаа доктринаси сифат жиҳатидан янгиланди.** Бу доктринанинг маъно-маъмуни биринчи марта очкилик хусусиятига эга бўлди. Бу эса бизнинг мудофаа сисъатимизнинг очкилигини намоён этишмоқда. Доктринада Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сисъати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдига турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди.

Барчангизнинг эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман: Мудофаа доктринаси қондалари қозғола қилиб кетмаслиги, биз уларни ҳаётга сўзсиз жорий этишни таъминлашимиз шарт.

Шу муносабат билан Олий Мажлис Мудо-

фаа доктринасини амалга ошириш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент назоратини олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, депутат ва сенаторларимиз мудофаа ва ҳарбий қурилиш масалаларига бефарқ бўлмастан, бу борада ўз фаолиятларини кучайтиришлари, ҳар бир чоракда икки марта Олий Мажлис палаталарининг йиғилишларида ушбу йўналишдаги ишларнинг аҳолини муҳокама қилиб борсалар, айни муддао бўларди.

Куйи палата ҳамда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича қўмиталари раислари, мудофаа вазири ва бошқа тегишли тузилмалар раҳбарлари қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари зарур:

— амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, Мудофаа доктринаси асосида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини стратегик қўллаш бўйича ҳужжатлар қайта ишлаб чиқишнинг таъминлаш;

— ҳарбий хизматчилар, жамоатчилигимиз ва чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида мудофаа сисъатимизнинг асосий принципларини тушунириш бўйича кенг қўламли ишларни ташкил этиш лозим. Бу борада мазкур сисъатнинг очкилиги ҳамда хавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа хорижий мамлакатлар билан амалий муносабатларни ривожлантириш биз учун устувор аҳамиятга эга эканига эътибор қаратиш даркор.

Иккинчида, Мудофаа доктринаси қондалари ва мамлакатимизнинг геостратегик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, **ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари** тубдан қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, Мудофаа вазирлигининг барча бирлашма ва қисмларининг таркибий тузилиши маълум бўлди. Биз бўлиmlарга жанговар тайёрлик билан тўлақонли шугулланиш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини ошириш ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажариш учун тайёр бўлишига алоҳида эътибор қаратдик. Бунга имкон бермаган тузилмалардан бутунлай воз кечдик.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳарбир офицер ва сержант эгаллаб турган лавозимдан қатъи назар, ўз фаолиятига танқидий баҳо бериши керак. Улар «Мен келгусида хизматни давом эттиришга муносибманми ёки йўқми?» деган саволга жавоб бериши шарт.

Мен ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмоний ва руҳий тайёрлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларга эътибор қаратмоқчиман. Негатив деганда, жисмоний тайёрлик ҳарбий хизматчилар учун хизмат фаолиятида, ҳарбий қарьерасида ва умуман, турмуш тарзида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиши зарур.

Ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлиши ҳақида гапирганда, кейинги пайтда дунёнинг турли минтақаларида

сондор бўлаётган қуролли тўқнашувларда кўзга ташланаётган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, жанговар ҳаракатлар давомида шахсий таркиб ўртасидаги йўқотишларнинг асосий қисми қучли руҳий таъсир ва зарбалар билан боғлиқ экани маълум бўлмоқда. Бундай руҳий жароҳатларни ҳатто тинч ҳаёт шароитида ҳам даволаш жуда мураккаб масаладир.

Шу муносабат билан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёрлиги бўйича принципиал жиҳатдан янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши зарур. Бу борада асосий эътиборни ҳарбий-амалий масалаларни ҳал этишга йўналтириш лозим. Ҳарбий хизматчилар ҳар томонлама соғлом ва чидамли бўлиши, ҳар қандай мураккаб жисмоний ва руҳий синовларга бардош бериши керак.

Қўшинлардаги ташкилий-штат ўзгаришлари оид масалаларга яна бир бор эътибор қаратиб, таъкидлаб айтмоқчиман: ҳозирги пайтда Мудофаа вазирлиги томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим. Бу ишлар янги ўқув йилига қалар якунланиши зарур.

Ана шу чора-тадбирлар ҳақида гапирганда, мудофаа вазири ва унинг ўринбосарлари эътиборини ушбу вазифаларнинг нақадар муҳим эканига қаратмоқчиман. Уларнинг ижросини шахсан ўзим назорат қилиб бораман.

Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи П.Эргашев бу борада фақат механизм яратиш эмас, балки уни самарали ишлатиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаб етиши керак. Қўшинлар исталган дақиқда ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёрликнинг янги тизими бўйича мунтазам шугулланиб бориши, барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт.

Нима учун бу талаблар бугун кун тартибига кескин қўйилмоқда? Чунки, Мудофаа вазирлигидаги қўллаб мансабдор шахслар ишонччи оқламагани, ўзларини кўрсатишда сусткашликка йўл қўйгани, уларда ташаббус йўқлиги, мустақил қарорлар қабул қилишни, масъулиятни ўзига олишга тайёр эмаслиги бунга сабаб бўлмоқда.

Холбуки, уларга ўз қобилиятини амалда намоён этиши учун барча имкониятлар яратиб берилган эди. Бундай камчиликлар мудофаа вазирлиги собиқ раҳбарияти фаолиятининг натижаси, десак ҳато бўлмайди. Очик айтиш керак, улар асосан эски усуллар билан ишлаб, қўшинлар билан мунтазам алоқа ўрнатмаган, ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратмаган, зарур ҳолларда мустақил қарор қабул қилишда уларга қатъий етишмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь кун Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмга ташриф буюрди.

ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚУДРАТИ ВА САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь кун Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрдаги фармони билан қайта ташкил этилган мазкур ҳарбий қисмда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев ҳарбийлар учун яратилган шароитлар, жанговар тайёрликда фойдаланиладиган моддий воситалар, ҳарбий хизматчиларнинг кийим-кечак таъминоти билан таниши, улар билан суҳбатда бўлди.

Президентимизга Тошкент вилояти ҳарбий-маъмурий сектори фаолиятини 2018 йилда ташкиллаштириш бўйича «Йўл харитаси», ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Мудофаа вазирлиги тизимидаги бошланғич ташкилотларнинг ташкилий тузилиши, ёш ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш ва истиқболда қилинадиган бошқа ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим ва асбоб-анжомларини замонавий асосда янгиллаш, таъминот тизimini такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Муносиб хизмат қилган ҳарбийларга барча шароитлар яратиш, уларни уй-жой, автомашина билан таъминлаш бўйича топширик берди.

Президентимиз ҳарбийлар ошхонасида бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Чирчиқ — қимёгарлар ва машинасозлар шаҳри. Унинг жуғрофий ўрни иқтисодий ривожлантириш учун жуда қулай. Шаҳарда фаолият кўрсатаётган «Максам — Чирчиқ», «Ўзбеккимёаш», «Чирчиқ кишлоқ хўжалиги техникаси заводи» акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон иссиққа чидамли, қаттиқ металл қоричмалар заводи каби йirik ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз санаяти ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз ташриф доирасида мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини ривожлантириш дастури билан таниши.

Мамлакатимизда кишлоқ хўжалигининг машинасозлик қороналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорда рақобатбардор техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизга ресурс тежамкор, замонавий, унумдорлиги юқори кишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш бўйича қилинадиган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Жумладан, «Чирчиқ кишлоқ хўжалиги техникаси заводи» акциядорлик жамиятида 2018-2019 йилларга мўлжалланган, қиймати 32,7 миллион долларлик 3 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасини 50 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Лойиҳадан қўзланган мақсад машина-трактор парклари, фермер ва деҳқон хўжалиқларини техникаларни янги турлари — замонавий галла ва ем-хашак ўриш комбайнлари, чигит ва галла экиш сеялкалари, ерга ишлов бериш, картошка экиш ва йиғиб олиш техникалари билан таъминлашдир.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган кишлоқ хўжалиги техникалари намуналари билан танишиди. Жаҳон бозорига рақобат қилаётган бўлаётган бугунги кунда, ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай маҳсулот нафақат ички бозорни таъминлаш, балки халқаро қўламада рақобатбардор ва экспортбон бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Шу ерда Тошкент кишлоқ хўжалиги техникаси заводи, «Технолог», «Агрегат», «ЎзКейсмаш», «Лемкен — Чирчиқ», «ЎзКласагро» қороналарида ишлаб чиқарилаётган кишлоқ хўжалиги техникалари тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эҳтиёманд инсонларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий аҳоли ҳамда маиший шароитларини яхшилаш имконини бермоқда. Мазкур Қарор ижроси юзасидан Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси томонидан Ишчи гуруҳи тузилиб, республикамизнинг барча ҳудудларида кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳоли ўрганилди ҳамда уй-жой ва маиший техника билан таъминлаш, яшаш жойларини таъмирлаш, тиббий хизмат борасида амалий ёрдамга муҳтожлар аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш,

жамиятда меҳр-оқибат, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунга қа-

дар республика бўйича 22 минг 155 та оила кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари билан таъминланди. Кам таъминланган оилаларда истиқомат қилувчи 851 нафар бемор инсоннинг соғлигини тиклаш учун 2 миллиард 191 миллион сўмдан зиёд, 1307 та оилга уй-жойини таъмирлаш учун эса 8 миллиард 577 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий ҳимояталаб, кўнгли ярим инсонларга кўрсатилаётган юксак эътибор бугун ўз натижасини бермоқда. Энг муҳими, кўрсатилаётган амалий ёрдамлар энг чека кишлоқ ва туманларда яшаётган ижтимоий ҳимояталаб оилаларга манзилли етказилмоқда.

Мундарижа
№ БЎЛИМЛАР Бет
I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР
II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
III. МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20 йил
Баён №
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилади:

ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚУДРАТИ ВА САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

41 Президентимиз «Ўзбекимемаш заводи» акциядорлик жамиятида янги қуёв цехи ва йирик ҳажмли ускуналарни ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Бугун мазкур корхонада нефтьгаз, кимё ва озиқ-овқат саноати учун иссиқлик алмашиш жихозлари, компрессорлар, насослар, нефть ва газга қайта ишлаш, кимёвий, бургулаш ва ҳаво билан совутиш ускуналари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилаётган.

Корхона маҳсулотлари «Муборакнефтьгаз», «Шўртаннефтьгаз» акциядорлик жамиятлари, «Шўртангазкимё» мажмуаси каби йирик саноат корхоналари, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Украинага етказиб берилмоқда.

Ўтган йили 1,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 2 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Шу мақсадда корхонани модернизация ва диверсификация қилиш орқали замонавий технологиялар асосида металл эритиш ва қуйишга мўлжалланган янги қуёв цехи барпо этиш кўзда тутилмоқда. Умумий қиймати 18,9 миллион долларлик ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида заводда турли номенклатурадаги қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йилига 1,7 минг тоннадан 4 минг тоннага етказилади. Цех Европа мамлакатлари ва АҚШдан келтирилган ускуналар билан жиҳозланади. Лойиҳа 2019 йилнинг учинчи чорагида ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекимемаш» ва Чирчиқ трансформатор заводини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Маҳсулот турлари ва экспорт қиламини кенгайтиришда бундай янги қуёв цехлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шу ерда Чирчиқ шахрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қатор дастур ва лойиҳалар тақдирини ўтказилди.

Бугунги кунда Чирчиқда 300 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарни 2018-2019 йилларда иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 80 га яқин лойиҳа амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми

1,6 баробар ошиб, 3 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Шаҳарнинг 2035 йилгача мўлжалланган бош режасига мувофиқ, ўтган йили 7 қаватли 3 уй қуриб битказилди. Жорий йил ана шундай 5 та, келгуси йил 10 та турар жой барпо этилади. Бундан ташқари, 2018 йилнинг март ойида харбийлар учун 3 қаватли 8 ва йил охиригача 10 та уй қуриб фойдаланишга топширилади.

Чирчиқ дехкон бозори ўтган асрнинг 50-йилларида барпо қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган. Талбиркорлик субъектлари ва аҳолига савдо-сотик учун кенг қулайликлар яратиш мақсадида уни реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда. Қиймати салкам 22 миллиард сўм бўлган ўтувчи Бўзув канали киргоғи ободонлаштирилиб, аҳолига кечки пайт хордик чиқариш учун сайлгоҳлар ташкил этилади.

Бундан ташқари, «Ўзбекимемаш» заводи томонидан 2,5 гектарлик «Машинасозлар» истироҳат боғини реконструкция қилиш ва жорий йил Мустақиллик байрамигача фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Шаҳар ҳудудида ўтувчи Бўзув канали киргоғи ободонлаштирилиб, аҳолига кечки пайт хордик чиқариш учун сайлгоҳлар ташкил этилади.

Тошкент — Хўжакент йўналишида катновчи электропоездлар ўрнига замонавий тезораз электр тричкалар ҳаракатини йўлга қўйиш ҳам истиқболли йўналишлардан бўлиб, аҳоли фаровонлиги ва Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини оширишда муҳим қадамлардан бўлади. Бунинг учун Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиқ» ҳамда «Бўзув» темир йўл бекатлари замонавий андозалар даражасида янгидан барпо этилади.

Президентимизга Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти биноларини реконструкция қилиш, янги ўқув биналари, спорт иншоотлари, талабалар турар жойлари қуриш, Тошкент — Қўнғир — Чирчиқ — Ғазалкент ва Чирчиқ — Ғазалкент авто-

мобил йўлларда тирбандликни камайтириш, Псков ГЭСи ва тўғонини барпо этиш, Чорвоқ ГЭСи хавфсизлигини ошириш лойиҳалари ҳам тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари Чирчиқ шаҳри ўз имкониятлари ва салоҳиятига кўра, мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бири экани, бинобарин, ҳар бир лойиҳада ишлаб чиқариш структураси ва аҳоли турар жой шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Лойиҳалар самаралорини ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Заводнинг фаоллар залида ишчи-муҳасислар, Чирчиқ шаҳри жамоатчилиги вакиллари, нурунийлар, ёшлар билан ўтказилган учрашувларда амалга оширилаётган ўзгаришлар моҳияти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёшлар таълим-тарбияси масалалари хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев шу кунни пойтахтимиздаги Қуролли Кучлар академиясига ташриф буюрди.

Маълумки, Президентимиз 2017 йил январь ойида Тошкент олий умумқўшун кўмондонлик билан юртида бўлиб, мазкур билим юрти замирида мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини ташкил этиш бўйича топшириқлар берган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 апрелдаги қарори билан Қуролли Кучлар академияси қайта ташкил қилинди.

Мазкур харбий ўқув маскани Тошкент олий умумқўшун кўмондонлик билан юртининг шонли харбий анъаналари, мамлакатимизнинг етакчи илмий-таълим муассасалари илгор тажрибасини ўзида камраб олган.

Бугун академия мамлакатимизда жорий этилган харбий таълимнинг ягона тизимида асосий ўринни эгаллайди, том маънода харбий илм-фан марказига айланди. Академияда лейтенантлар тайёрлаш, офицерлар малакасини ошириш, армия бошқарув таркибидagi кўмондонлик кадрларини маҳсуе тайёргарликдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилган. Бу ерда умумқўшун, кўмондонлик-штаб, малака ошириш факультетлари, ўн

битта кафедра фаолият юритмоқда.

Курсант ва тинловчилар харбий, гуманитар, аниқ фанлар бўйича таълим олади. Академияда ўқув жараёни хоржий давлатларнинг илгор тажрибаси асосида ташкил қилинган. Таълим жараёнига энг янги усул ва технологияларнинг йирик саноат марказларидан бири экани, бинобарин, ҳар бир лойиҳада ишлаб чиқариш структураси ва аҳоли турар жой шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз академияда яратилган шароитлар билан танишди. Ўқув оналари, музей, ошхона, курсантлар ётоқхоналарида бўлиб, уларнинг таълим олиши, харбий машғулотларини бажариши жараёнини кўздан кечирди.

Академия тинловчиларнинг касб маҳорати, интеллектуал даражаси ва маданиятини янада ошириш учун барча шароитларни яратилиши даркор, деди Шавкат Мирзиёев. Бу жараёнда харбий билим юртида таълим олишнинг замонавий услубларини жорий этиш, юксак ақл-заковатли кадрлар тайёрлашга эътибор қаратиш лозим.


Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон ташаббуси билан ташкил қилинган «Темурбеклар мактаби»да тахсил олган ёшлар ҳам мазкур академияда харбий таълимни давом эттириб, малакали офицерлар бўлиб хизматга киришди.

Бундан ташқари, барча олий харбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибини тайёрлаш, жумладан, уларнинг хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари тинловчилар ва курсантлар билан суҳбатлашди. Қуролли Кучлар ташкил этилганнинг 26 йиллиги билан табриқлади. Улар аждоқларимизга муносиб авлод бўлиб, замонавий билимларни пухта эгаллаш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Қуролли Кучлар академиясининг ситуация марказида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибидagi мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

У.А.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюқ давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танловини эълон қилган эди.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАОЛИЯТИ СОЛНОМАСИ — МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Танловга мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситаларида чоп этилган, интернет нашрларида эълон қилинган кўплаб материаллар, илмий-оммабоп мақолалар, Биринчи Президентимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоб ва рисодалар келиб тушган. Нуфузли хайъат аъзолари томонидан уларнинг энг яхшилари сараланиб, 2018 йилнинг 1 чорагида танлов ғолибларининг номлари эълон қилинди.

Шундай китоблардан бири «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов фаолияти хроникаси (Солнома)»дир.

Мазкур нашр Ислам Каримовнинг Ўзбекистон раҳбарлиги ижтимоий-иқтисодий аҳвол етти йиллик фаолият хроникасини ўзида мужассам этган. Солномани ва рақлар эканиси, Биринчи Президентимиз мамлакатимизнинг мураккаб ва тахликали даврида ҳам, шонли зафарларга бой пайтида ҳам халқ билан бирга бўлгани, халқнинг дарду ташвиши, қувончу шодлиги, орзу-истакларини худди ўзиникидек қабул қилгани, «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган эзгу ғояларига солиқ қолгани, шу юрт, шу эл учун ўзи айтмоқчи «ёниб яшаш керак»лигини амалда исботлаганига ғувоҳ бўласиз.

Мана улардан айримлари: «1989 йил 25 июнь. Ислам Каримов Фарғона вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан танишиш мақсадида ушбу вилоятда бўлди. Ўзбекистон раҳбари вилоятнинг шаҳар ва кишлоқларига бориб, юзгага келган нотинч вазият туфайли жабр кўрган одамлар билан суҳбатлашди, аҳолини барқарорлаштириш, мажбур ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича маҳаллий раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берди»

«1990 йил 20 июнь. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Декларацияда ҳуқуқий ва демократик давлат мустақиллигининг устуворлиги, Ўзбекистоннинг иттифокдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатлари шартномалар асосида белгиланиши ва давлат белгилари (герб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши қайд этилди.»

«1991 йил 31 август. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида маъруза қилди. Ушбу сессияда мамлакатимиз ҳаётида буюқ тарихий воқеа содир бўлди. Юртбошимиз бутун дунёга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилди. 1 сентябрь — Мустақиллик кунини умумхалқ байрами этиб белгиланди.»

Ислам Каримовнинг фаолияти давомида мамлакатимиз ҳаётидаги бундай тарихий, асрларга тагиулик вилганиш ва ўзгаришлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Асосийси, буларнинг барчаси Биринчи Президентимизнинг жасорати, матонати, мардлик ва олижаноблик фазилатлари, ноёб истеъдоди, одиллиги ва дошмандлиги, узокни кўра билиши ва Ватанимизга, халқимизга садоқати, унинг келажаги буюқ бўлишига улкан ва қатъий ишончи туфайли рўй берди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
У.А. шарҳловчиси

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини

Ўхшаши йўқ, беқиёс таъриф янги хонадон эгаларининг тилида янгради

Ватан сўзига таърифлар беқиёс. Қарши шаҳрида барпо этилган 54 хонадонга мўлжалланган, харбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун топширилган янги кўп қаватли турар-жойини айрича фахр ва меҳр билан кузатарканман, Ватан сўзига мана шу хонадонлар сохиблари, бекалари, фарзандлари юз-кўзидан энг муносиб таърифни уккандек бўлдим. Чунки энди уларнинг Ватан ичра кичик Ватани — ўз уйлари бор.

— Ижарада турган маҳалимиз ўз уйимиз бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. Энди бизнинг ҳам шинам, ёруғ уйимиз бор, — дейди қатта сержант Аслиддин Қурбоновнинг турмуш ўртоғи Лола Келдонова. — Янги уйимиз фарзандларимизга жуда маъқул бўлди. Унда барча қулайликлар муҳайё этилган. 4-синфда ўқийдиган ўғлим Бекзоджон ўртоқларини етаклаб келибди. Хоналарни бирма-бир кўрсатиб чиқди. Янги йилни янги уйда кутиб олганимдан шодлигимнинг чеки йўқ. Бизларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдорман.

Уй-жойлар атрофи кўзни қувонтирадиган даражада ободонлаштирилган. Манзарали ва мевали дарахтлар шу ерда уладиядиган болажонлар билан баб-баравар воғга етиб бораверади. Турли аттракционлар билан жиҳозланган мўъжазгина болалар майдончаси шўх-шодон кулгилардан янада файзиб.

Навоий шаҳридаги «Бунёдкор» маҳалласида ҳам харбий хизматчилар учун уч қаватли 36 хонадонга мўлжалланган иккита уй фойдаланишга топширилди.

Янги уйга эга бўлган оилаларнинг ҳар бири аъзоси юз-кўзидан акс этган кўтаринкилик, самимият ва хурсандчилик, чуқур миннатдорлик ҳисларини сўз билан ифодалаш мушкул. Уларга қўшилиб, сиз ҳам беҳиётиёр дил-дилдан яйраб кетасиз.

Азиз НОРҚУЛОВ



Қалбларга умид бағишлаб

41 Ана шундай хайрли тadbирлардан бири пойтахтимизнинг Олмазор туманида ўтказилди. Тadbирда туманда истиқомат қилаётган 111 нафар эхтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари, хусусан, замонавий кир ювиш машиналари, газ плиталари, чангоғичи ва кичик печлар билан таъминланди.

Бу каби тadbирлар Чилонзор, Мирзо Улугбек, Учтепа, Миробод, Яккасарой, Юнусобод, Сирғали каби туманларда ҳам ташкил этилди. Ушбу тadbирлар доирасида 900 нафардан ортиқ ижтимоий химояталаб, ногирон оила аъзосини парвариллаётган, боқувчисини йўқотган оилаларга замонавий маиший техника жиҳозлари топширилди. Шунингдек, Тошкент шаҳри мнксидида 110 нафар эхтиёжманд фуқаронинг уй-жойларини таъмирлаш, 70 нафарга яқин бемор инсонга соғлигини тиклаши учун амалий ёрдам кўрсатиш ишлари изчил олиб борилмоқда.

— Хайрли ишларнинг аввалида эхтиёжманд оилалар кундалик турмушда асқотадиган маиший-техника жиҳозлари билан таъминланиб, саломатлигини мустақамлашда кўмакка муҳтож инсонларга амалий ёрдам кўрсатилди, — деди Тошкент шаҳар қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Равшан Махаммадалиев.

— Ҳозирда эса кам таъминланган оилаларнинг уй-жойга бўлган эхтиёжларини қондириш, турар-жойларини таъмирлаш, оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга кўмаклашиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Олмазор туманида ташкил этилган тadbирда эхтиёжманд оилалардан бири — Тансикбоев-3 даҳаси, 34-уй, 13-хонадонда истиқомат қилаётган Лола Рахматова Президент совғаси топширилди.

— Уч нафар фарзандни тарбиялаётган. Болаларни ёлғиз тарбия қилиш аёл кишига осон эмас, рўзгордан ортириб уй жиҳозлари сотиб олишга имконият етмайди. Бугун менга совға қилинган ўзимизнинг миллий маҳсулот — «Артель» газ плитаси ҳақиқий маънода хонадонимга илдикли олиб кирди, — деди кўзига севинч ёшлари тўлган Л.Рахматова. — Ўтган 2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганда, кўнглимда қандайдир умид уйғонган эди, мана бугун олган совғам орзуларим рўёбига айланди. Президентимизнинг биз каби инсонларга кўрсатаётган ғамхўрликлари эртаминг янада порлоқ бўлишидан далолатдир.

Шунингдек, тadbир доирасида тумандаги «Аллон» маҳалла фуқаролар йигинида истиқомат қилаётган эхтиёжманд оилалардан бири — 1-гурух ногирони Машкура

Ваҳובהва ҳолидан хабар олиниб, унга замонавий кир ювиш машинаси ҳадая этилди.

— Мамлакатимизда Президентимиз томонидан оддий одамларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар бизнинг хонадонга ҳам етиб келди, — деди ҳаяжонини яшира олмай Машкура Ваҳובהва. — Бундан кўнглимиз тоғдек юксалди. Ўзим ва ўғлим ногиронлигимиз туфайли кўнглимиз ўқсик эди. Ҳозир эса ўзимда алланечук куч сезиб, фаол ҳаётга кириб келгандек бўлдим. Биз каби ижтимоий химояга муҳтож оилаларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор учун Президентимизга мингдан-миг раҳматлар айтамин, кўлларимиз эса доимо дуода — юртимиздаги тинчлик-осойишталик абадий, бундай хайрли ишларни амалга ошираётган яхши инсонлар омон бўлсин.

Таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда амалга оширилаётган мазкур тизимли тadbирлар аҳоли ўртасида кам таъминланганлик даражасини камайтириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, энг муҳими, оддий одамларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзқуФК матбуот қотиби,
Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«Ishonch» муҳбири,
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Мусобақа

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Беруний туман кенгаши томонидан тармоқ таркибига кирувчи муассасалар ходимлари ўртасида спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Унда 23 та ўрта таълим мактабидан 72 нафар ходим қатнашди.

Ғолиблар муносиб тақдирланди

Эркалар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақасида биринчи ўринни 2-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Мардон Текебаев, аёллар ўртасида биринчи ўринни 38-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Нигора Курбанбаева эгаллади.

Шашка бўйича ташкил этилган мусобақада эркалар ўртасида ғолибликни 65-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Махсудбек Палванязов ва хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни 6-умумтаълим мактабининг ётақчиси Муқаддас Авазмуротова қўлга киритди.

Ғолиблар тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

Туризм

Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

Муҳтарам Президентимизнинг қўшимча ишламайдиган кунларни белгилаш, дам олиш кунларини кўчириш тўғрисидаги фармони халқимизга ўзига хос дийдор оларини туфха этди. Қатор ташкилотлар томонидан ички туризм йўналишида сайру саёҳатлар уюштирилди.

Кўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанд ва унга ёндош бўлган ҳудудлардаги тарихий масканлар янада гавжумлашди.

— Касаба уюшмалари ҳам меҳнаткашларнинг дам олиш кунларини мароқли ташкил этишига ўз ҳиссасини қўшди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги «Касаба Самарқанд» шўъба корхонаси раҳбари Аббос Хазраткулов. — Каттакўрғон, Пайариқ, Пастдаргом, Ургут,

Оқдарё ва бошқа бир қатор шаҳар-туманлардан уч юз нафар меҳнаткашнинг қадамжоларига бир кунлик саёҳатлари ташкил этилди.

Юрган дарё, дейди халқимиз. Дийримиздаги азиз ва мафтункор манзилларга уюштирилган саёҳатларнинг завқи мазмунли ўзгача. Шунини ҳисобга олиб, касаба уюшмалари байрам ва дам олиш кунларини ана шундай серзавқ ўтказишга доир чора-тадбирларни белгилаб олди.

Ўз мухбиримиз

Президентимиз томонидан 2017 йилнинг 28 декабргади «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белги-

лаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашларнинг саёҳати уюштирилди.

535 нафар ишчи-ҳодим Қизилтепа, Нурота, Кармана ва Навбахор туманларидаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар билан танишди.

— Дам олиш кунларини жуда мароқли ўтказдик, — дейди Нарғиза Одилова. — Боболаримиз барпо этган бетакрор обидалар, жумладан, Нурота тумани «Чашма» зиёратгоҳи менда бир олам таассурот қолдирди.

Дилафрўз ҲУРОЗОВА, «Ishonch» мухбири



Ташаббус

Гулистон давлат университети талабалари Сардор, Ҳумоюн ва Исомбек Янги йил байрами муносабати билан эҳтиёжманд оила фарзандларига совға ташкил этишни ният қилишди. Университет бўйича эълон бериб, хайрия қутиси ташкил этишди. Кимдир маблағ ажратди, кимдир автоулов уюштирди, бошқалар совғаларни чиройли қилиб ўради.

Талабалар хайрияси

Боёвут тумани «Бобоюрт» маҳалласи раиси Санжар Холиқулов, маслаҳатчи Инобат Мавлонова билан рўйхат тузилди. 100 нафар бола, 6 нафар ногироннинг ҳолидан хабар олиниб, ГулДУ талабалари номидан совғалар берилди.

Ёшларнинг бу каби фидокорлиги, албатта, таҳсинга сазовор. Бу болажонлар қувончи акс этган суратлар, ота-оналар ташаққурида намоян бўлди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Тиббиёт

Пластик хирургия: ҳа ёки йўқ

Авваллари қоматимиз, ташқи кўринишимиз табиат томонидан ёки наслимиздан бизга мерос сифатида тақдим этилар эди. Бугун эса, тиббиёт шу даражада тараққий этиб кетдики, натижада тана аъзоларимизни ўзимиз хоҳлаганимиздек кўринишга келтириш, идеал қомат ёки кўриниш эгаси бўлиш имконига ҳам эга бўлмоқдамиз.

Ўз-ўзидан савол туғилади: Соғлиқ бора-бора «мода» кетидан қувшиш тўғрими? Балким бу мода эмас, давр талабидир. Тиббиёт фанлари номзоиди, олий тоифали жарроҳ Хамидулла Асадов билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Авваламбор, пластик жарроҳлик ҳақида озгина тушунча бериб ўтсам, — дейди Хамидулла Фатхуллович. — Пластик жарроҳлик иккинчи — конструктив жарроҳлик ва эстетик жарроҳликка бўлинади. Конструктив пластик жарроҳлик, бу инсондаги туғма ёки ортирилган нуқсонларни тузатиш ҳисобланади, эстетик пластик жарроҳлик эса янада чиройлироқ кўриниш билан бевосита боғлиқдир.

— Айни пайтда қовоқни олдириш, кўзни катталаштириш, кулоқ ва бурунлар шаклини ўзгартириш ҳоллари жуда кўп учрамоқда. Табиийлик йўқолиб кетмаётганимикин..?

— Албатта, ҳеч нарса табиийликка етмайди. Аммо, бутунга келиб, айниқса, аёллар орасида қовоқни олдириш ҳоллари кўп учрайди. Бир нарсани ёдимиздан кўтармаслигимиз керак. Инсон организми борган сари қариб боради. Қариликка даво йўқ, лекин эстетик жарроҳлик орқали аёлларимиз ўзларининг кўринишларини 5, 10, 15 йилга қаматиришлари мумкин. Ҳар бир нарсанинг ўз муддати бўлгани каби эстетик жарроҳликда ҳам муддат ўз сўзини айтмай иложи йўқ. Шундай экан, олдирилган қовоқлар орадан 5 ёки 10 йил ўтгач, яна ўзининг асл ҳолига келиши эҳтимолдан холи эмас. Ёки кичиклаштирилган кулоқлар, шакли ўзгартирилган бурунлар яна эстетик операцияга муҳтож бўлиши мумкин. Тиббиётда қароқат деган тушунча бўлмайди. Тирик организмнинг кунига ўзгариши

бунга яққол сабабдир.

— Эстетик жарроҳликнинг соғлиққа зарари борми?

— Танганинг икки томони бўлганидек, зарари эмас, фойдаси ҳам бор, дейишимиз мумкин. Чунки қисқик кўзларни катталаштириш туфайли кўриш майдони янада кенгайди. Тажрибамдан келиб чиқиб шунини айтишим мумкинки, ринопластика

датдан сўнг жисмоний машқлар билан ҳам бемалол шугулланишлари, одатдагидек турмуш тарзини олиб боришлари мумкин.

Мутахассис сифатида шунини таъкидлаб ўтаман. Инсоннинг ўзига бўлган ишончи юқори бўлса, яъни табиат томонидан инъом этилган кўринишдан мамнун бўлса, у ҳеч қачон эстетик пластик жарроҳликка мурожаат қил-

лиши, албатта, соғлиққа зарардир. Эстетик пластик жарроҳликни амалга оширишдан мақсад инсоннинг асл кўриниши ўзгариши эмас, балки унга озгина мукамаллик қўшишдан иборат бўлиши керак.

Эстетик пластик жарроҳликдан сўнг мушаклари аввалгидек фаол ҳаракатда бўлмайди, деб ўйловчилар ҳам бор. Бу, албатта, нотўғри фикр. Агарда бу амалиётлар инсон саломатлигига заррача зарари бўлганда, Соғлиқни сақлаш ва илмий текшириш институтлари каби ташкилотлар эстетик пластик жарроҳликка руҳсат бермас эди. Эстетик жарроҳлик ташқи кўринишни бошқа аъзоларга зиён етказмаган ҳолда мукамаллаштириш демакдир.

Аёллар доимо ўзларига ишонч билан боқишлари муҳимдир. Аммо, шунинг ҳам унутмаслик лозимки, атрофдаги, айниқса, машҳур инсонларга тақлид қилиб, ташқи кўринишини ўзгартириш, бу мутлақо нотўғридир. Ташқи кўринишини ўзгартиришдан олдин, бу ҳақиқатдан керакмикин, деб ўз-ўзингизга савол беринг! Балки, тўғри турмуш тарзини олиб бориш билан буларни ўзгартириш мумкиндир ҳам...

Инсон доимо ҳамма нарсанинг энг сарасини яхши кўради. Бугун кўринишини махсус жарроҳлик орқали яхшилаган мижозлар эртага бундан-да мукамал кўринишга эга бўлишни истаб қолишлари ҳеч гап эмас. Бунинг оқибатида эса инсон асл кўриниши ва тўғаллигини буткул йўқотди. Тиббиётда бу каби амалиётлар омадсиз жарроҳлик деб аталади. Бунга Майкл Жексон, Версачи каби машҳур инсонларни мисол қилиб келтириш мумкин. Инсон ўз вақтида тўхташни ҳам билиши керак.

Зара АБДУЖАББОР



(бурун пластикаси) амалиётида кўпинча ички бурун тўсиқлари ҳам текисланади ва нафас олиш функциялари бир мунча яхши фаолият кўрсатади.

— малакали мутахассисга мурожаат қилиши; — зарурий қон таҳлилларини топшириши; — юрак фаолиятлари текшириши; — қон касалликлари; — соғлом бўлиши зарур.

Шунинг ҳам ёдда тутингки, пластик операциянинг такрор ва такрор амалга ошири-

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ тизимидаги «Вакцина» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Баҳром Вафоқуловга турмуш ўртоғи Хотида МЎМИНОВАнинг вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Гап келиб қолди

Ҳаётини сабоқлар

Давр ўзгариши одамларнинг дунёқараш ва ҳаёт тарзига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Миллий ва умуминсоний қадриятлар қарор топган хонадонларда тарбия топган кишиларгина ўзларини унутиб қўймайди.

Барча ишларда ва ҳамма жойда ўзи учун манфаат излайдиган одамнинг яхшилиги «қоса таги нима қоса» нақлини эслатади. Ундайлар сизга бир боғ хашак ташлаб, бир пақир сут соғиб олмагунча бир кадам нари силжймайди.

Лайҳанинг ақиллашини, кўпда мушоҳада қилмай, уй эгасига садоқат белгиси, дея хулоса чиқариб қўя қоламиз. Аслида, чиндан ҳам шундай бўлиши керак. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса-чи? Балки у ўзидан чўчиб, уй эгасини ёрдамга чақираётгандир?..

Невара сўради: — Дада, қаргалар мактабга борганда, нуқул «беш» баҳога ўқирди-а? — Нега унақа даяпанс? — Кеча телевизорда дўхтир опа айтдиларки, ёнғок еб турган одамларнинг хотираси кучли бўлади, ўқиган ва кўрганларини эслаб қолади. Қарга эса ёнғоклар, шундай эмасми?..

Ҳафталикда ўқиб қолдим: инсон туғилгани ҳамон қаримокка бошлайди, деган фикрни илгари сурибди катта унвонлар эгаси бўлган олим. Бўлмаган гап. Мантиқан ўйлаб, мушоҳада қилиб кўрайлик-а. Чўқкига чикмай туриб, қанақасига чўққидан тушиш мумкин?

Шу ўринда бир мулоҳаза: чўққига хар ким турлича вазиятда кўтарилади. Лекин чўққидан ўзи тушган одамгина ҳеч кимга тобе бўлмайди.

Бир чеккада мунгайиб ўтирган болақайдан сўрашди: — Нега хомушсан? — Анови ўртоқларимнинг ўзларига йўқ севиниб, беҳуда нарсаларга кимматли вақтларини совуришаётганидан. — Ахир ёшлик ўйин-кулги учун беришган-да! — Унда қарилик-чи? Бош чангаллаб, пушаймон бўлиб ўтириш учунми?..

Сантиметр, метр, километр... Лекин аксарият ўз қаричи билан ўлчаб кўришни маъқул билади. Грамм, килограмм, тонна... Лекин хар ким ўз имкониятидан келиб чиқиб, салмоқлаб кўриш пайидан бўлади. Ҳамма бир-бирини эшитгани. Лекин ўзи айтган гап аини ҳақиқат бўлиб туюлаверади.

Йилларнинг ҳамма тузатиши ҳам хуш ёқармайди. Оғриқ уйғотиши, азобга қўйиши мумкин баъзида. Лекин, наҳора, қандай

бўлса, шундай қабул қилишга мажбуримиз. Ҳар ҳолда, бу охиригиси эмаслиги кўнгилга таскин беради, умид уйғотади кишида...

Минг елиб-югурганим билан битмайдиган юмушлар ҳам кўп. Биттаси рўзғорми? Гоҳ гуруч, мош... сила тортиб, гоҳ ёнғинг таги кўришиб қолган бўлади. Бозор орала, дўжонга чоп... Лоф бўлмаса, умримизнинг учдан бир қисми шу ишлар билан ўтиб кетади. Шунингга ҳам шукр. Буларсиз қолган икки қисми ҳам юракка сизгасмиди...

Кўлини қаёққа узатса етади. Лекин одамлар бунга эътибор қилмай қўйганига анча бўлган. Чунки у ўзи учунгина қўл узатади.

Озода уй, озода кўча, озода маҳалла — бу масканда саришта, пок инсонлар яшайди...

Дарак гапми, ундов гапми, сўроқ гапми? Дарак гап бўлса, нур устига аъло нур. Ундов гап бўлса ҳам чидаш мумкин — жилла курса унгадан битта одамга таъсир қилса не ажаб! Сўроқ гап бўлса... Унда, бирон-бир чора кўришга тўғри келади.

Бу дунёда қолиб кетадиган нарсаси бор одамларнинг яшашга иштиёқи кучли бўлади. Шунинг учун севиб, қизганиб, рашк оловида куйиб-ёниб умргузаронлик қилишга одатланайлик. Йўқотиб қўйишдан қўрққан киши бу дунёни тарқ эттишни ўйлармиди?..

Бировларнинг пинжиги кириб кун кўришга ўрганган одамларга сира осон туриб бўлмайди. Чунки истаган пайтда мансаб ва бойлик эгаларининг ўзлари ҳам бош чангаллаб қолишлари мумкин. Кўлтиқдан тушган тарвуз дастурхондан эмас, охурдан жой олишини эса ёш бола ҳам билади.

Яқиндагина босар-тусарини билмаган одамни попуғи пасайган ҳолда кўриш жуда ғалати туюларкан. Бирам юмшук, бирам мулойим... Қўли қалта кишининг қўли фақат бошини қашшишгагина етади, деганлари шу бўлса керак-да...

Тўй ва маросимлардаги дабдаба-ю аъсаба борган сайин тенглашиб борапти. Кейин эса... ўртадаги тафовут аввалгидан-да чуқурлашаётгани ҳам, афсуски, бор гап... Йўғон чўзилади, ингичка узилади, деганлари шу бўлса керак-да...

Эшакнинг кучи ҳалол-у, тўғшти харом. Лекин харом-харишнинг фарқига бормай, пақоқс туширадиганлар ҳам борлигини унутмайлик. Қолаверса, фақат зарурат бўлганда йўқлаб, бошқа пайтда «итимсан, эшакимсан» демайдиғанларнинг ўзи ким-у, хурмат-эҳтироми нима бўларди? Яхшиси, улардан нарироқ юрган маъқул.

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin RIXSIYEV

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

Bo'limlari:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narda.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. **Korxonalar manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tahririyat hisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959, STR: 201133889, OKONX: 87100

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
U. Ibodinov
Navbatchi:
S. Haydarov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti — 03:50
Topshirildi — 04:10
1 2 3 4 5 6
Gazeta offset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma A — 109.
31639 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133